



ИМОМ БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ



*Дунёда илмдан
бошқа нажот йўзи
ва ҳақ қатон
бўлмаган.*

*И.и.и
Бухорий*

маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАР АРАСИДА ТУТУВЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Ушбу мақолада, манфаат тушунчаси ва миллий манфаатларни уйғунлаштиришда толерантликнинг ўрни ҳамда толерантлик сифатларининг аҳамияти тараққиётидаги ўрни ва роли ҳақида баён этилган.

Таянч сўзлар: манфаат, миллий манфаат, толерантлик, ҳамкорлик, тинчлик.

В данной статье дается определение понятиям интерес и национальные интересы, анализируется роль толерантности и толерантных качеств в развитии общественных процессов.

This article is concerned with the notion of interest and national interests, also the role of tolerant and tolerante qualities features in developing social processes.

Бугунги кунда дунёда полиэтник таркибга эга бўлган давлатлар ривожланишининг турлича йўларини белгилаб олишган. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам тараққиёт йўли такрорланмасдир. Унинг бетакрорлиги – табиати, бой тарихи, меҳнаткаш инсонлари билан бир қаторда, бу заминда турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила аъзоларидек яшашларида намоён бўлмоқда. Бундай ҳамжиҳатлик, аҳиллик, дўстлик ва ҳамкорлик ўзининг чуқур тарихий илдизларига ва асосига ҳам эга. Бугун Ўзбекистонда барча миллат вакиллари ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, улуғ ва муштарак гоё, “Ўзбекистон ягона ватан” гоёси атрофида бирлашиб, ҳаракат қилишларига ҳар томонлама имкониятлар яратиб берилган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб, халқлар оғида урф-одати, диний эътиқодга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгариб, виждон эркинлиги қонун билан кафолатланиб кўйилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 136 миллат, элат, халқ ва этник гуруҳларнинг вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданий урф-одатлари, анъаналари, тилига, динига, конституциявий ҳуқуқий тенгликка эга.

Бу фикрларнинг асоси мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб кўйилган.

Хусусан, 18-моддада “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир” [1: 7], – деган қоида ана шу бағрикенгликнинг замонавий сиёсий-ҳуқуқий ифодаси десак хато бўлмайди.

Мазкур қоидада миллий ҳаётга, фуқароларнинг миллий ҳис-туйғуларига дахлдор бўлган муҳим аҳамиятга эга бир қатор тамойиллар белгилаб кўйилган.

Биринчидан, фуқароларнинг миллий мансубликларидан қатъий назар қонун олдида тенглиги мустаҳкамланган.

Иккинчидан, фуқароларнинг диний эътиқодидан қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги таъкидланган. Диний қадриятлар, миллат маънавиятининг ажралмас қисми эканини инобатга оладиган бўлсак, мазкур қоидадан амалий аҳамияти янада ойдинлашади.

Учинчидан, фуқароларнинг ирқий тенглиги қайд этилган. Ирқчиликдан гайринисоний мафкура ва амалиётнинг тарихимизда умуман кузатилмаганини алоҳида қайд этиш лозим.

Аммо айрим минтақаларда тажовузкор миллат-

чилик гоёлари билан курулланган айрим гуруҳлар диний ақидапарастлик ва ирқчилик қарашларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётганини ҳам унутмаслик зарур. Демак, муайян ҳолларда улар уюшган шаклда ҳам чиқиши мумкин. “Исломи динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратётган кўпгаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар оғини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хомхаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак” [2: 64-65].

Ахборот глобаллашуви кузатилаётган бугунги кунда турли гоёлар ҳеч қандай чегараларни тан олмай кириб келишини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу тамойилнинг аҳамияти янада аққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганининг дастлабки кунлариданоқ, ўз ҳудудида яшаётган миллат ва элатларнинг мақсад ва интилишларини ҳисобга олиб, уларнинг урф-одатларинини ҳурмат қилиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш баробарида, уларнинг бурч ва мажбуриятларини ҳам қонун билан қатъий белгилаб қўйди. Жумладан, мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституциямизнинг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади” [1: 5], деб аниқ белгилаб кўйилган. “Ўзбекистон халқи” тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Кўп миллатли давлатда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг бирдан-бир йўли миллий масаланинг демократик асосда ҳал қилиниши бўлиб келмоқда. Бу ҳол табиий равишда барча миллатларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида тенглигини таъминлашда амалий кафолат яратишни талаб этади. Шу боисдан, конституциявий қонуннинг ижтимоий ҳаётда қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш лозим:

- миллий-диний, тил ёки урф-одат бошқа асосдаги ҳар қандай камситишларни тугатиш, миллий-ирқий, диний-маънавий имтиёزلарга йўл қўймаслик;

- тил масаласида давлат тили (Ўзбек тили) билан бир қаторда, толерантлик тамойили асосида ўзга халқларнинг тилларида ҳам иш юритиш, таълим ва

Қосимбой ҚАБУЛОВ
УрДУ катта илмий
ҳодим-изланувчиси

ийод қилиш имкониятларини яратиш;

- давлатнинг дунёвий характерда конституция ва қонунларнинг устуворлиги асосида демократик бошқарувга эришиш, миллатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш кабилардир.

Айнан ушбу масала, Конституциямизнинг 4-моддасида қуйидагича мазмунда ўз аксини топган. "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили – ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади" [1: 4], деб таъкидланган. Бу борада ҳаётимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний негизда можаролар бўлмагани халқимизнинг миллий онгида диний эътиқодларга нисбатан толерантлик, яъни динлараро бағрикенглик вужудга келишига объектив сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда Республикамызда ўндан ортик конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Мамлакат ҳаётида, уни бошқаришда барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги каби йўналишларда уларнинг фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни бағрикенгликнинг кенг маънодаги ифодасидир. Ана шу ҳужжатлар асосида Ўзбекистонда барча динлар вакиллари ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, улуғ ва муштарак гоюлар йўлида ҳаракат қилишларига ҳар томонлама имкониятлар яратиб берилган.

Бинобарин, давлатимизнинг халқимиз онгида миллий ва диний иймон-эътиқодни янада ривожлантиришдаги, дин соҳасидаги мақсад ва вазифалари, биринчи навбатда, толерантлик билан боғлиқ бўлган Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ёрдам беришга қаратилган фаолиятда ифодаланади. Бу фаолият Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорларига биноан амалга оширилмоқда. Давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари каби расмий диний ташкилотларнинг ҳам конституциявий ҳуқуқлари уларнинг ички, яъни бевосита ибодат билан боғлиқ ишларига аралашмаган ҳолда таъминланиши динлараро бағрикенгликни ифодалаб боради. Сиёсий тус олиши мумкин бўлган ҳамда фуқаролар хавфсизлигига путур етказадиган экстремистик ва фундаменталистик оқимлар пайдо бўлган тақдирда, уларни назорат остига олиб, тегишли чоралар қўрилганлиги халқаро, миллатлараро, шахслараро толерантликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида: "... ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас [1: 5], – деб кўрсатилган. Шунга асосан, ҳар бир диний конфессия ўз мафкурасига эга бўлиши мумкин. Лекин бу мафкурани халққа тазйиқ билан сингдиришга йўл қўймаслик диний иймон-эътиқодга хос толерантлик вужудга келишининг объектив сабаблардан биридир. Чунки жамиятимизда диний ташкилотлар фаолияти халқимизда миллий ғурур

ва ифтихор, ватанпарварлик ва фидокорликни қарор топтиришга, комил инсонни шакллантиришга қаратилган [5: 43, 47, 59].

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, кўпконфессияли жамиятда турли дин вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамкорликда, аҳилликда яшаши ҳамда бунёдкорлик ишларида давлат билан ҳамкорлик қилиши барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Қолаверса, "инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмади. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди" [4: 223]. Инсонлар онгида айнан ана шундай диний эътиқодга миллий муносабати шакллантириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ўз аксини топган. Жумладан, қуйидагича ифодаланади: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди" [1: 9]. Ушбу қоида орқали дунёвий давлатнинг динга нисбатан сиёсати ўз ифодасини топади.

Биринчидан, давлат виждон эркинлигини кафолатлаш орқали динга қарши сиёсат олиб бормасликни эътироф этади.

Иккинчидан, эътиқод қилиш ёки қилмаслик инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида тан олинади ва кафолатланади.

Учинчидан, юқоридаги тамойиллардан келиб чиққан ҳолда ва жамиятда эътиқодий мувозанатни таъминлаш мақсадида давлат диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўймайди, бу диннинг давлат ишларига аралашмаслигидир.

Демак, ҳар қандай дин маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олар экан, миллий онда диний иймон-эътиқодга нисбатан толерантликнинг вужудга келишини таъминлайди. Бу эса, диний толерантликнинг юзага келишида ижобий толерантлик йўналишларининг бировларни хоҳиш-истаги билан эмас, балки жамият тараққиётининг қонуниятлари орқали ифодаланишидир. Бу давлатнинг динга нисбатан мутлақ бефарқлигини ёки диннинг маънавий ҳаётдан бутунлай ажратиб қўйилганлигини аниқлашмасдан, балки давлат ва диний ташкилотлар жамиятда ҳамжиҳатлик, тинчлик, бағрикенгликни таъминлашга ўз ваколатлари ва имкониятлари даражасида ҳисса қўишларини мумкинлигини таъкидлайди.

Давлатимизнинг асосий қонуни ҳисобланган Конституциямызда юқоридаги каби моддаларнинг мамлакатимизда яшаётган халқлар, миллатлар манфаатларини химоя қилиш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликка, виждон эркинлиги каби масалаларга бағишланганлигини кўриб ўтдик. Лекин бу дегани Конституциямызнинг фақат мана шу моддаларидагина миллатлар манфаатлари, уларни ҳуқуқ ва эркинликлари ифодаланган деб қараш мутлақо нотўғри бўлади. Чунки Конституциямызнинг ҳамма моддалари туб моҳияти билан мамлакатимизда яшовчи барча халқлар манфаатларини ифода этади.

Бугунги кунда мутақил Ўзбекистон ўз олдида ҳар томонлама етук, юксак эътиқодли ёш авлодни вояга етказишни, ёшларимизни ватанпарварлик, фидокорлик, халққа содиқлик каби улуғ туйғу ва шуурлар асосида тарбиялашда конституциямызда белгиланган тамойиллар, буюк мутафаккирларимиз ҳаёти, ижоди, бебаҳо

асарларини ўрганиш, мавжуд бой диний, миллий-маънавий меросни тадқиқ ва тарғиб этиш, ундан истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида фойдаланиш каби умуммиллий вазифани бажариш асосий масала ҳисобланади. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўрсатилгани каби, ҳеч қандай дин ўзида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларининг барчасини қамраб олишга даъвогарлик қилмайди. Акс ҳолда у дин бўлмай қолади. Худди шу асосда Ўзбекистон Республикаси қонунларида диний-сиёсий асосда партия тузиш тақиқланган. Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний толерантлик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида динлараро ҳамкорлик қилиш сиёсати ана шу тамойиллар (ғоялар) асосига қурилган бўлиб, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг миллий онгида диний эътиқодга нисбатан толерантликнинг вужудга келиши учун объектив сабаблардан энг асосийси бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Конституциямиз – барча миллат ва элат-

ларни мақсад ва интилишлари, орзу истакларини, ва эркинликларнинг ҳисобга олувчи, уларнинг манфаларини том маънодаги кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлига хос йўлни танлаб олди. Бу йўл демократик ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият сифатида қабул қилишнинг минглаш йўлидир [3].

Ҳақиқатдан ҳам, миллий мафкура республика истикомат қилган барча миллат вакиллари учун тарғиб, миллатлараро тотувлик, балки диний конфессиялар орасида ҳам бағрикенглик, сабр-тоқат ғоялар мустаҳкамлашга кўмак беради. Турли динга мансуб кишиларни миллий давлатчиликни шаклланиши, миллий мақсад ва вазифаларни бажаришда фаол иштирок этишга чақиради. Миллатлараро келиб чиққан муносабатлар ва можароларни олдини олиш билан миллатларнинг сиёсатни ўсишига давлатда тинчлик ўрнатилишига шарт-шароитларни ҳозирлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Инсон манфаатлари – олий қадрият. Халқ сўзи. 2005 йил, 7 декабр.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ВОРТУАЛЛАШУВИ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида ёшларнинг ўрни ва роли алоҳида урғу берилган. Унда асосан ёшлар ижтимоий муносабатларининг виртуаллашуви тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: фуқаролик жамияти, виртуаллашув, ёшлар, ижтимоий муносабатлар.

В статье анализируется место и роль молодежи в процессе формирования гражданского общества в Узбекистане. Дается аспекты виртуализации общественных отношений.

The article examines the place and role of young people in the process of formation of civil society in Uzbekistan. It analyzes aspects of virtualization aspects of public relations.

Бугунги кунда дунё миқёсида кечаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг интеграциялашуви, жаҳоннинг бир бурчагида пайдо бўлган ғоялар, янгилликлар ҳамда ижтимоий қарашларнинг бошқа ҳудудларга тезкорлик билан ёйилишини халқаро глобаллашувнинг ажралмас феномени сифатида таъкидлашимиз мумкин. Мазкур ижтимоий процессларда ҳаракатлантирувчи куч сифатида ёшлар қатламининг ўрни ва роли каттадир.

Шу жумладан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти шакллантирилиши жараёнида ёшлар хос ўринга эга. Маълумки, жамиятимизнинг кўпчилик қисмини айнан 30 ёшгача бўлган ёшлар қатлами ташкил этади. Агар юртимизда ёшлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятни илмий тадқиқ этадиган бўлсак бу борадаги ишларни шартли равишда 3 босқичга бўлишимиз мумкин:

1-босқич – эътибор. Мустақилликнинг илк йилларида айнан ёшлар жамиятни модернизация қилувчи катта куч эканлигини англаб, уларга юксак эътибор қаратилди. Бу эса, 1991 йил ноябрь ойида қабул

қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонун ҳамда бир неча норматив-ҳуқуқ ҳужжатларда ўз аксини топди. Ёшлар соҳасида иш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ҳуқуқ муваффақиятли таътиб этила бошланди.

2-босқич – имконият. Ўсиб келаётган авлоднинг илм-тарбия олиши, касб эгаллаш имконияти, манавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиши ҳамда ҳар томонлама билим мол шаҳс бўлиб шаклланишлари кенг имкониятлар яратилди. Республикада 9 мингдан ортиқ умумий таълим мактаблари, бир ярим миллион таълим-тарбия олиши, касб эгаллаш манавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиши ҳамда ҳар томонлама билим мол шаҳс бўлиб шаклланишлари кенг имкониятлар яратилди. Республикада 9 мингдан ортиқ умумий таълим мактаблари, бир ярим миллион таълим-тарбия олиши, касб эгаллаш имконияти, манавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиши ҳамда ҳар томонлама билим мол шаҳс бўлиб шаклланишлари кенг имкониятлар яратилди. Республикада 9 мингдан ортиқ умумий таълим мактаблари, бир ярим миллион таълим-тарбия олиши, касб эгаллаш имконияти, манавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиши ҳамда ҳар томонлама билим мол шаҳс бўлиб шаклланишлари кенг имкониятлар яратилди.

3-босқич – кенг йўл. Бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларни уларга мустақилликнинг илк йилларида

Санжар САИДОВ
Ўзбекистон Давлат
жаҳон тиллари
университети катта
илмий ходим-изланувчиси

МУАССИС:

Имом Бухорий халқаро маркази

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

У.Алимов, О.Юсупов, А.Мансуров,
А.Бердимуродов, А.Ҳасанов,
Б.Абдуҳалимов, А.Маннонов,
Б.Матбобоев, Б.Тураев, Ж.Яхшиликков,
З.Исломов, З.Мунавваров, И.Саидов,
М.Муҳиддинов, Н.Иброҳимов, У.Ғофуров,
Ш.Сироҷиддинов, У.Уватов, Б.Каримов

БОШ МУҲАРРИР:

Шовосил ЗИЁДОВ

БОШ МУҲАРРИР УРИНБОСАРЛАРИ:

Отабек МУҲАММАДИЕВ,
Неъмат ЖАББОРОВ

ИЛМИЙ КОТИБ:

Шуқурилло УМАРОВ

МУСАҲҲИҲ:

Олим ДЖУРАЕВ

САҲИФАЛОВЧИ ДИЗАЙНЕР:

Муҳаммадиқбол ШУКУРОВ

*Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий Аттестация Комиссиясининг
илмий журналлар рўйхатида
киритилган.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича Қўмитанинг 2017 йил 8 июнь,
№ 3987 рақамли рухсати билан
нашр қилинди.

Босишга 15.6.2017 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8.

Офсет босма усулида босилди.

Босма табиғи 6,5. Адади 1800.

Буюртма № 191.

Нашр индекслари – № 946, № 947.

ISSN 2181-4791

Журнал 2009 йил 7 январда Ўзбекистон
Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан
№ 0057 рақами билан рўйхатга олинган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.

Журналдан кўчириб босилганда манба

қайд этилиши шарт.

Таҳрир ҳайъати фикри муаллифлар
фикридан фарқ қилиши мумкин.

Журнал андәзаси таҳририятнинг
компьютер булимида тайёрланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

141306, Самарқанд вилояти, Пайарик

тумани, Хужа Исмоил шаҳарчаси.

E-mail: buxoriy_saboqlari@mail.ru

Веб-саҳифа: www.bukhari.uz

Телефонлар: 0366-673-31-60,

+99893-355-76-64. Факс: 0366-673-31-78.

“Polygraphy Gold Press” МЧЖ

“Картография” ИИЧДК ҳамкорлигида

чоп этилди. Босмаҳона манзили: 100000,

Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 6.

Шовосил ЗИЁДОВ, Ўқтам СУЛТОНОВ. Исқинж боб ким бўлган?

ТЕРМИЗИЙ АЛЛОМАЛАР

Ҳамидулла АМИНОВ. Ҳаким Термизийнинг “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асари ҳақида
Дониёр МУРАТОВ. Имом Термизий “Сунан” асарининг ҳадис илмида тутган ўрни
Адҳам ДУСМАТОВ. Имом Абу Исо Термизийнинг устозлари

МАНБАШУНОСЛИК

Неъматуллоҳ НАСУРУЛЛАЕВ. XIX аср охири – XX аср бошларига оид Қуръони каримнинг
тошбосма нусхалари ҳақида
Зухра АРИПОВА. Араб тилидаги мақол ва маталларни таржима қилиш хусусиятлари

АҲДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Мўмин ҲОШИМХОНОВ. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва илмий мероси
Зиёдулла ҒОЗИЕВ. Сўфи Оллоҳёрнинг ахлоқий ва тарбиявий ўғитлари

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Комилжон ШЕРМУҲАМЕДОВ. XX асрнинг 70-80 йилларида “Мусулмон биродарлар”
уюшмасининг фаолияти

Азамат АКБАРОВ. Исломи мисолида маърифатнинг аҳамияти: кутубхоналар ривожланиши-
нинг шарҳи

Зухра РАЖАБОВА. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ислом дини ва диний
муассасаларнинг аҳамияти

Шерахон ХОШИМОВ, Сайёра ХОШИМОВА. Маънавий мерос ва исломий қадриятларда
кексаларни эъзозлаш аъёнаси

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Ёрқиной РОЗИМОВА. Ёшлар маънавиятини шакллантиришда тарихий хотиранинг ўрни
Козимбек ПОЛВОНОВ. Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари топонимига оид маълумотлар

Бекзод ИСАБЕКОВ. Оҳангарон вадийсининг табиий-географик шароити ва антропоген
ландшафтининг шаклланиши

Нигора КАРИЕВА. Ўзбек халқининг зиёрат маросимлари: тарих ва ҳозирги ҳолат

Зайнаб АБИДОВА. Ҳазрати Шайх Мухтор Валий зиёратгоҳи

Нафосат ЗИКИРОВА. Марказий Осиё халқларидаги умумийлик ва хусусийлик

Шуқрулло НАСРИДДИНОВ. Туркистонда рус олимлари илмий фаолиятининг мақсадлари ҳақида
Абдилатил САРИМСОҚОВ. Ўзбекларнинг аънаванавий деҳқончилик билан боглиқ урф-одат
ва маросимлари

Зоҳид МАДРАҲИМОВ. Қўқон хонлигининг ички ва ташқи савдо алоқаларида қозоқларнинг тутган ўрни
Адолат ЯХЪЯЕВА. 1991-1995 йилларда Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида тарбиявий
ишларнинг амалга оширилиши

Д. МАМОЖОНОВ. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг тарихий мейморий ёдгорликлари

ШЕЪРИЯТ ГУЛШАНИ. Отабек БОҚОНИЙ. Рамазон

ИЖТМОИЙ ИНСТИТУТ

Yunus ХОЛИҚОВ. Ijtimoiy taraqqiyot jarayonida bag'rikenglikning o'ri va ahamiyati

Қосимбой ҚАБУЛОВ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида баррикенглик ва
миллатлараро тотувликнинг ифодаланиши

Санжар САИДОВ. Ёшлар ижтимоий муносабатларининг виртуаллашуви

Қамолиддин МИРЗААХМЕДОВ. Давлат хизматини самарали ташкил этишда бошқарувчи
кадрлар фаолиятини тақомиллаштириш асослари

Мансур ҚУЛМАТОВ. Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизмат соҳасида – янги ҳуқуқий асос
Олмос ТУРСУНОВА, Сирож РУЗИМУРОДОВ. Бола манфаатларини ҳимоя қилиш – фуқаро-
лик жамиятини қуришнинг бош мезони

Вазира САҲИБНАЗАРОВА. Миллий урф-одатларда маданиятлар ва аънавалар уйғунлиги

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Фаррух ҲАКИМОВ. Виртуал майдондаги ахборот-психологик таҳдидлар ва уларни барта-
раф этиш масалалари

Ахмат РАҲИМОВ. Диний-экстремистик оқимларнинг даъвопарига қарши раддиялар

Баҳриддин ПРИМОВ. Ахборотлашган даврда тарбиявий жараён

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Дилбархон ФАЙЗИХУҲАЕВА. Тавҳид ғоясини далиллашда фалсафий ва диний
аргументлашдан истифода этилиши

Ш. МАВЛАНОВ. Фалсафа – инсон маънавиятини юксалтирувчи соҳа сифатида

Зарина АБДУАЗИМОВА. Эстетика фанини ўқитишда диний-фалсафий масалаларнинг
ижтимоий аҳамияти

Ro'zi KOMILOV. Oila va nikoh munosabatlarida islom dinining estetik mohiyati

Маҳбуба ЭРҒАШЕВА. Манбалар системасининг синергетик таҳлили

Улуғбек БЕКПҮЛАТОВ. Коинотнинг пайдо бўлишига оид диний ва илмий қарашларда
симметрия ғояларининг ўрни

ИМОМ ВА ЖАМИЯТ

Биродар МАТЁҚУБОВ. Амир Темур ва ислом

ИМОМ БУХОРИЙ РИВОЯТ ҚИЛГАН ҲАДИСЛАР

Йўлдошхон ИСАЕВ. Утганларни хайрли амаллар билан хотирлаш

ЯНГИ НАШРЛАР

Зоҳиджон ИСЛОМОВ. Шарқ манбашунослигининг нодир энциклопедияси

Жаннат ИСМАИЛОВА. Қардош мамлакатлар ҳамкорлиги масалаларига доир

Гуландом ЮНИСОВА. Юсуф Ҳамадоний – етти пирнинг устози